

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга икки марта байъат қилган саҳоба | Ҳадис дарслари (279-дарс)



19:00 / 24.04.2024 3109

هُلِّلَا يَضَرُّ دُعُوسَمِ نُبَا نَع
ةَالَصُ رُدَقَ نَاكَ لَاقُ هُنَع
هُلِّلَا يَلَصُ هَلِّلَا لُوسَر

فِي صِلَايَ فَمَلَّسَ وَهِيَ لَع
 سَمَخَ يَلِي مَادِقًا ثَالِثَ
 سَمَخَ عَاتِشَ لِي فَوِي مَادِقًا
 هَاوِرٍ مَادِقًا غَبَسَ يَلِي مَادِقًا
 يَسْأَلُ نَلَاوِ دُوَادٍ وَبَأْ

Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намозларининг миқдори ёзда уч қадамдан беш қадамгача, қишда беш қадамдан етти қадамгача бўлар эди».

Абу Довуд ва Насайй ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда ҳам Пешин намозининг бошланиш вақти ҳақида сўз бормоқда. Пешин намозини ёзда соя уч ёки беш қадам миқдорича, қишда беш ёки етти қадам миқдорича бўлганда ўқиш Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг одатлари экан.

Албатта, бу Мадинаи Мунавварага тегишли гап. Чунки минтақанинг экватор чизиғига нисбатан яқин ёки узоқлигига қараб, соялар ҳар хил бўлади. Бу ҳадисни яхшилаб ўрганган уламоларнинг айтишларича, унда зикр қилинган миқдорлардан ёзда Пешин намози унга ажратилган вақтнинг ярмида, қишда аввалида ўқилгани келиб чиқади.

لَأَقُ هُنَّ عَلَّالِي ضَرَسَنَ أُنَّ
 مَثَرُ صَعَلَايَ صُنَّ أَنْكَ

ءَابُقِ يَلِإِ أَنْ مٌ بِهَذَا بَهْدِي
سُمُّ شَلَاوٌ مِهَيْتُ أَيَف
إِلِةٌ سُمُّ خَلَاوٌ هَاوِرٌ. ةَعَفَاتُ رُم
يِ ذِمُّ رَّتَلَا

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биздан бир киши Асрни ўқиганимиздан кейин Қубога юриб борса, у ерга қуёш кўтарилиб турганда етиб борар эди».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Қубо Мадинаи Мунавварадан тўрт мил узоқликдаги машҳур жой.

Бу ривоятдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида Аср намозининг олдинги вақтида ўқилиши одат эканлиги келиб чиқади.

هُنَعُ هَلَلَا يِضَرَ ةَمَلَسُ نَع
يِبُّنَلَا عَمٌ يِلَّصُنْ أَنْ كَ: لَاق
مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا يِلَّص
بِأَجْحَلَابُ تَرَاوَتِ إِذَا بِرَعْمُ لَا
: ةَثَالُ ثَلَلُو. ةَعَبُ رَأَلَا هَاوِر

رَبِّي بِّنْ لَإِغْمَ يَلْ صُنْ أَنْ كُ أَنْ دَحْ أُرْ صُنْ نِيْ فَ بَرْعَمْ لَ هَلْ بَنْ عَقْ أَوْمُ رُ صُنْ بِيْ لُ هُنْ إَوْ

Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Шом намозини (қуёш) парда ортига бекинганида ўқир эдик».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Учовлари қилган ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан шом намозини ўқиб қайтган биримиз ўз камонинг ўқи тушадиган жойни кўрадиган бўлар эди», дейилган.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Салама розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Салама ибн Амр ибн Сино ал-Акваъ ал-Асламий, кунялари Абу Муслим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга икки марта байъат қилган саҳобалардан.

У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан еттита ғазотда иштирок этганлар. «Зувҳард» ғазотида у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни душманлар зарбасидан сақлаб қолганлар.

Усмон ибн Аффоннинг халифалик даврларида Африка ғазотларида иштирок этган, шижоатли камончи ҳамда чиройли хулқли, олийжаноб саҳобалардан эдилар.

Ҳаммаси бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 77та ҳадис ривоят қилганлар.

Бу кишидан Мадина аҳлидан кўп жамоатлар, ўғиллари Иёс, қуллари Язийд ибн Аби Убайд ва бошқалар ривоят қилганлар.

Бу киши ривоят қилган ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кучлиларимиз ичида энг яхшиси Салама ибн Акваъдир», деб марҳамат қилганлар.

Ўғиллари Иёс «Отам ҳеч ёлғон гапирмас эдилар», деб айтадилар.

Бу зот Мадинада истиқомат қилдилар. Кейин Мадинадан уч мил узоқликда жойлашган Рабза номли қишлоққа кўчиб ўтдилар. Ҳижратнинг 74-санасида 80 ёшларида ана шу ерда вафот этдилар.

Бу икки ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ саҳобалар Шом намозини олдинги вақтида ўқишлари ҳақида сўз бормоқда.

«(Қуёш) **парда ортига бекинганда ўқир эдик**» деган жумла Шом намози қуёш ботиши билан ўқилишини англатади.

Намозни жамоат билан ўқиб чиққан киши ўз камонидан отган ўқнинг қаерга тушганини кўра оладиган бўлиши ҳам шомнинг қуёш ботиши биланоқ ўқилишига далолат қилмоқда.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди